



ХУДУДЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ КУРСАТКИЧЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ КИЛИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ



Ўрозов Азамат Отабоевич
УрДУ мустақил тадқиқотчиси
orazovazamt@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада худудларни иқтисодий ривожланиш курсаткичларини эконометрик таҳлил килишнинг услубий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: эконометрик таҳлил, регрессия, модел, худуд, иқтисодий курсаткичлар, усул.

Аннотация. В данной статье рассмотрены методологические аспекты эконометрического анализа показателей экономического развития регионов.

Ключевые слова: эконометрический анализ, регрессия, модель, область, экономические показатели, метод.

Abstract. This article describes the methodological aspects of econometric analysis of economic development indicators of regions.

Key words: econometric analysis, regression, model, area, economic indicators, method.

1.Кириш

Бугун худудларнинг иқтисодий муаммоларини ўрганиш, ишга туширилмаган захираларини излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг стратегиясида янада ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси - Тараққиёт стратегияси тамоили асосида "...худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш" масалаларига жиҳдий эътибор берилган.[1]

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга хос долзарб масалалар, экологик-иктисодий муаммолар, молия-кредит тизими ва уни минтақаларни инновацион ривожлантиришдаги роли, минтақалар иқтисодиёти ўзаро алоқаларининг самарали механизмлари ва иқтисодий ривожланишнинг минтақавий стратегияларни ишлаб чиқиш масалаларини ўрганиш билан шуғулланади.

2.Адабиётлар шархи

МДХ мамлакатларида худудларни иқтисодий курсаткичлар асосида

эконометрик таҳлилини амалга оширишга бағишлиган Барабаш Д. А.[2], Л. Э. Басовский, Э. Н. Басовская [3], В. В. Климуқ, Э. В. Климуқ [4], Э. В. Корчагина [5], Л. В. Латыпова [6], В. В. Смирнов [7], Т. В. Усакова ва бошқаларнинг қўплаб илмий ишлари мавжуд.

Масалан, профессор Т. В. Ускованинг фикрига қўра, "барқарорлик параметрларнинг ички ўзгариши ва ташқи муҳитнинг бекарорлаштирувчи таъсири шароитида тизим томонидан функцияларни бажаришни назарда тутади" [8]. Унинг фикрича, минтақавий тизимнинг барқарорлигини баҳолаш методологияси иқтисодий, ижтимоий ва экологик қўрсаткичларга асосланади. Баҳолаш Эвклид масофаси усули ёрдамида амалга оширилади, ундан сўнг комплекс барқарорлик индекси ҳисобланади.

Хорижий олимлар Т.Постон ва И. Стюарт мураккаб тизимлар ҳатти-ҳаракатларининг моҳиятини батафсил тавсифлайди. Улар тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар барқарорликни йўқотиш билан бирга бўлишини тушунтирадилар, бу эса ҳалокат назарияси усуллари билан аниқланиши мумкин. Т. Постон ва И. Стюартнинг фикрича, бу йўқотишнинг белгиси фалокатнинг "байроғи" бўлиши мумкин - тизимнинг ишланини акс эттирувчи қўрсаткичларнинг ғайритабиий даражада катта тарқалиши [10]. Уларнинг фикрича, иқтисодий тизимлар ривожланишидаги "бурилиш нуқталари" ни аниқлаш учун 1998 йилдаги иқтисодий инқизорзни ташхислашда минтақалар ва мамлакатларнинг иқтисодий ўсишининг тарқалишини баҳолашга асосланган ёндашув қўлланилади [2, п. 5].

Малакатимизда худудларни иқтисодий ривожланиш қўрсаткичларини эконометрик таҳлил килишнинг услубий жиҳатлари, жумладан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини моделлаштириш, минтақаларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни худудий жойлаштириш ва бошқариш, мамлакат минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш сингари масалалар Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.С.Фуломов [10], А.М.Содиқов [11], А.М.Қодиров, Ш.Ҳ.Назаров [15], Б.Рўзметов [12], Ш.Б.Имомов [13], П.З.Хашимов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Қаюмов [14], А.Ж.Сиддиқов [16], И.О.Якубов ва бошқаларнинг илмий изланишларида кенг ўрин олган.

Бироқ юқорида қайд этилган илмий тадқиқотларнинг аксарияти худудларни иқтисодий ривожланиш қўрсаткичларини R-studio ҳамда Python каби замонавий таҳлил дастурлар асосида эконометрик таҳлил қилишнинг услубий жиҳатлари тадқиқ этиш масалалари ўрганилмаган. Ушбу мақолада ўрганилаётган муаммога етарлича эътибор қаратилмаганлиги ва унинг мунозарали тавсифга эга эканлиги масалага янгича илмий ёндашувни тақозо этади.

3. Таҳлил ва натижалар

Худудий ривожланиш ёки давлатнинг минтақавий сиёсати куйидаги максадларни уз ичига олиши керак: мамлакатнинг худудий яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлаган холда мамлакат минтақаларини мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш; инсонларнинг турмуш даражаси ва сифатидаги худудий номутаносибликларни камайтириш; мамлакат аҳолисини кайси худудларда яшашидан катыйи назар уларга узларининг ижтимоий-иқтисодий

хукукларини амалга оширишлари учун тенг имкониятлар яратиш ва хоказоларни назарда тутадиб.

Президентимизнинг "Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тутрисида"ти қарори бу жабҳадаги ишларни янги босқичда ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш вазифаси белгиланиб унда тизимни шакллантиришда статистик кўрсаткичларга ва сўровномаларга асосланилади. Бунда 8 асосий мезонга алоҳида эътибор қаратилиб ва ҳар бир йўналиш баҳолаб борилади.

Биринчиси, худудларда барқарор ва мутаносиб иктиносидий тараққиётни таъминлаш ва иктиносидий ислоҳотлар самарадорлиги. Барча худудларда ҳам иктиносидий ривожланиш мутаносиблигига етарли эътибор берилиб, бу йўналиш асосий мезонлар сифатида белгиланди.

Иккинчиси, худудларда янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш. Бу борада худудларда мавжуд ички имкониятлардан етарли фойдаланимайтган бўлиши мумкин. Худудлар иктиносидиётининг ўзига хос хусусиятлари, яъни ихтисослашув йўналишлари жойларда меҳнат бозори таркибига ва бу бозор амал қилишининг самарадорлигига турича таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, бур жараён чуқур ва тизимили кузатишларни тақозо этади.

Учинчиси, худудларда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш. Аҳоли турмуш сифати ислоҳотларнинг пировард натижасини ифодалайди, яъни ижтимоий фаровонликнинг бош мезони ҳисобланиб, бу борадаги ишларни чуқур таҳлил қилиш асосий талаблардан биридир.

Тўртинчиси, худудларда аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш. Худудларда аҳолининг иктиносидий фаолигини таъминлаш ва бизнес доираларнинг тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўпинча маҳаллий ҳокимият органлари ишчанлиги, ташаббускорлиги, омилкорлиги ва аҳоли билан яқиндан ишлаш кўникмаларига боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги эса яхши инфратузилма мавжудлиги билан чамбарчасдир. Ўз навбатида, аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши худудларда мавжуд меҳнат, капитал, минерал хомашё ва бошка ресурслардан окилона файланиш имкониятини кенгайтиради. Бу мезон худудларда аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун яратилаётган шароитларга ҳам баҳо бериш имкониятини беради.

Бешинчиси, худудларнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш, иктиносидиётни янада диверсификация қилиш. Худудлар миллий бозорда қайсиadir маънода, бошқа худудлар билан ўзаро рақобатлашса, ўз навбатида, минтақавий ва халқаро бозорларда ушбу худудлар ўз имконият ва салоҳиятини бирлаштиради, улар энди ягона иктиносидий кучга айланиб, халқаро даражада рақобатлашади. Шунингдек, рақобатбардошлиқ худудларда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш

кувватларига, ҳудуднинг саноатлашганлик даражасига ҳам боғлиқ. Агар ҳудудлар бир ёқлама иқтисодиётга эга бўлса, у ҳолда рақобатбардошлиқ даражасига путур етади. Ҳудудлар иқтисодиётини диверсификациялаш бевосита рақобатбардошлиқ даражасини оширади ва мазкур мезонга алоҳида аҳамият берилган.

Олтинчиси, ҳудудларда ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш. Ҳудудларда ишбилармон доиралар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш имкониятлари кенг булиб, бирок жойларда ишбилармонлик муҳитининг ташкилий, ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий жиҳатларига етарли даражада эътибор каратилмаслиги сабабли тадбиркорлик қатлами ўз салоҳиятидан самарали фойдалана олмайди. Бундан ташқари, тадбиркорлик ривожланишига йирик, ўрта ва кичик тадбиркорлик поғоналари бўйича, уларнинг интеграциялашуви нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш мақсадга мувофиқ. Тадбиркорлик катта салоҳиятга эга бўлган, доимий ҳаракатчан ва динамик ижтимоий-иқтисодий кучга айланиши лозим. Шу сабабли мазкур мезонга таяниб ҳудудларнинг ишбилармонлик муҳитига етарли даражада тизимили баҳо бериш имконияти юзага келади. [17]

Иқтисодий қўрсаткичларни танлаш

ЯИМ ёки ЯИХ (худудий маҳсулот) даражаси; аҳолининг даромадлари; иңсизлик даражаси; саноат, қишлоқ хўзяйлиги ва хизмат қўрсатиш соҳаларидаги ишлаб чиқариш ҳажмлари;

инвестициялар ва сармояларнинг ҳажми; инфратузилма ривожланиши қўрсаткичлари (йўллар, алоқа ва бошкalar); демографик қўрсаткичлар

Маълумотларни йиғиш ва тайёрлаш

статистик маълумотларни йиғиш (давлат статистика кўмиталари, банклар, халқaro ташкилотлар маълумотлари)

маълумотларни нормаллаштириш ва стандартлаштириш; этишмаётган маълумотларни таҳлил қилиш ва прогнози

Эконометрик моделларни танлаш

Регрессия анализи: ҳудуднинг турли иқтисодий қўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.

Кластер анализи: ҳудудларни ривожланиши даражаси бўйича гурӯхлаш

Омилли таҳлил: иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш.

Варантли таҳлил: турли сценарийларни баҳолаш ва таҳлил қилиш

Таҳлил учун дастурний таъминотлар: **Stata:** иқтисодий моделлаштириш ва регрессия таҳлиллари учун мос.

EViews: прогноз ва иқтисодий динамика таҳлили учун.

Python ва R: иқтисодий маълумотлар билан ишлап учун қулай бўлган очиқ кодли дастурний таъминотлар

Натижаларни интерпретация қилиш ва натижалар асосида тавсиялар ишлаб чиқиш

1-расм. Ҳудудларни иқтисодий ривожланиш қўрсаткичларини эконометрик таҳлил қилиш кетма-кетлиги

Худудларни иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини эконометрик таҳлил қилиш мухим ва мураккаб жараёндир. Бу усуслар худудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликлар, ривожланиш суръатлари ва уларнинг динамикасини баҳолашга хизмат қиласи. 1-расмда ушбу йўналишдаги асосий услубий жиҳатлар келтирилган.

Юқорида акс эттирилган услуб орқали мамлакатимиз худудларни иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини эконометрик таҳлил қилиб, илмий хулосалар олиш имконини беради.

Маълумки, Янги Ўзбекистан стратегиясида худудларни мутаносиб ривожлантириш орқали худудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш ҳамда 14 та худуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик худудий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий-иктисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари "қониқарсиз" бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш кўзда тутилади. Шу сабабли ҳам:

Худудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсатини янада такомиллаштириш асосан Самарқанд ва Наманган шаҳарларини истиқболда "миллионлик шаҳарлар"га айлантириш бўйича чоралар кўриш, 450 минг аҳолига мўлжалланган Янги Андижон шаҳрининг дастлабки бир нечта мавзеларини кўриб, фойдаланишга топшириш масалаларига эътибор каратилиш лозим;

Қашқадарё вилоятининг урбанизация даражасини 50 фоизга етказиш;

шаҳарлардаги аҳолининг турмуш тарзи қулайлигини баҳоловчи "Шаҳарлар қулайлиги" индексини жорий этиш;

шаҳарларни рақамлаштириш, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш ва "Ақлли шаҳар" концепциясига мувофиқ ривожлантириш;

Тошкент шаҳрида барпо этилган "INNO" инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркини 4 та худудда ташкил этиш;

Инновацион худудга айлантирилаётган туманларда юқори қўшилган қиймат яратадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш;

Олий таълим муассасаларида архитектура-қурилиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларни амалиёт билан уйғунлаштириш;

Қурилиш соҳасини техник тартибга солиш;

Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши тизимини тубдан такомиллаштириш ва шаҳарсозлик хужжатлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиши;

Реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойларни барпо этиш, 275 мингдан зиёд оиланинг янги массивларга кучиб утиши учун шароит яратиш Янги Узбекистон стратегиясида белгиланган.

Ушбу қўйилган стратегик мақсадларга эришишда ҳар бир худуд ҳокимлиги томонидан замонавий эконометрик таҳлил воситалари асосида иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш, ва стратегик

мақсадларга эриши учун зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

4. Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, етакчи индексининг чўққилари ва пастликларини аниқлаш учун кўп ўлчовли оптималлаштириш усулларидан бири - омилли таҳлилдан фойдаланиш мумкин, чунки у динамик кўрсаткичлар мажмуасидан иборат.

Омил таҳлилига асосланган комплекс кўрсаткичларни даврийлаштириш амалиётда энг кўп кўлланилади, чунки биринчидан, омилли таҳлил усули етарлича ривожланган, иккинчидан, бу усул замонавий статистик дастурий пакетларда (масалан, Python,R-studio, SPSS 12.0, STADIA 6.0 ва бошқалар) жорий этилган бўлиб, бу маълумотларни қайта ишлишни осонлаштиради. Ҳар бир худудни иқтисодий ривожланиш дастурларидағи мақсадларга эришиш учун худуд ҳокимлиги (вилоят, шаҳар, туман) томонидан замонавий эконометрик таҳлил воситалари асосида иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш асосида зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Барабаш Д. А. Комплексная оценка экономической эффективности и определение устойчивости развития региональной экономики // Вестник финансового университета. - 2013. - № 5. - С. 149-154.
3. Басовская Е. Н. Устойчивость экономического развития дальневосточных регионов России / Е. Н. Басовская, Л. Е. Басовский // Научные исследования и разработки : Экономика. - Москва : ИНФРА-М. - № 2 (8). - С. 4-13. DOI: 10.12737
4. Климук В. В. Оценка конкурентоспособности региона на основе социально-экономических показателей (на примере Калининградской и Брестской областей) / В. В. Климук, Е. В. Климук // Проблемы управления. - 2014. - № 2 (51). - С. 100-105.
5. Корчагина Е. В. Методика оценки устойчивого развития региональных социально-экономических систем / Е. В. Корчагина // Проблемы современной экономики. - 2012. - № 1 (41). - С. 67-71.
6. Латыпова Л. В. Методика оценки уровня комплексного развития региональной экономики с применением метода «дерева соподчиненности» (на примере Республики Беларусь) / Л. В. Латыпова, В. В. Климук // Экономика и предпринимательство. - 2014. - № 6 (47). - С. 436-440.
7. Смирнов В. В. Методика оценки эффективности социально-экономического развития региона / В. В. Смирнов // Известия ВУЗ : Поволжский регион. - 2007. - № 2. - С. 25-34.
8. Усакова Т. В. Управление устойчивым развитием региона / Т. В. Ускова. - Вологда : ИСЭРТ РАН, 2009. - 147 с.
9. Poston, T. Catastrophe Theory and Its Applications / T. Poston, I. Stewart. - Dover Publication, 2012.

10. Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. -Т.: Фан, 1980. - 194 с.;
11. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2005. - 280 с.;
12. Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис....докт. экон. наук. -Т.: 1998;
13. Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореф. дис...докт. экон. наук. -Т.: 1998;
14. Қаюмов А.А., Назарова Х.М., Эгамбердиев Ф.Т., Якубов Ў.Ш. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: Университет, 2004;
15. Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: 2016. - 5 б.;
16. Сиддиқов А.Ж. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида саноат ишлаб чиқаришнинг минтақавий муаммолари (Қашқадарё вилояти мисолида) кандидатлик диссертацияси автореферати. -Т., 2006; Якубов И.О. Минтақавий иқтисодиёт. -Т.: ТДИУ, 2016.
17. <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekiston-ududlarni-izhtimoiy-i-tisodiy-rivozhlantirish-strategiyasi?ysclid=m57qk9l31c959296165>.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

